



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 30 апрель, № 87 (8982)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



СПОРТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 апрель куни Бутунжаҳон сузиш федерацияси раҳбари, Осиё Олимпия кенгаши бош директори Хусайн ал-Мусаллам ва Миллий олимпия қўмиталари ассоциацияси биринчи вице-президенти Шайх Жавъан бин Ҳамад Ол Сонийни қабул қилди.



Спорт соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, олимпия ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизда профессионал ва оммавий спортни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишнинг долзарб масалалари қўриб чиқилди.

Учрашув аввалида Шайх Жавъан бин Ҳамад Ол Соний Ўзбекистон етакчисига Қатар Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди. Ушбу халқаро спорт ташкилотлари билан амалий ҳамкорлик юксак даражага

кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди. Бутунжаҳон сузиш федерацияси билан шەрикликни мустаҳкамлаш, мутахассислар тайёрлаш бўйича дастурларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистонда сув спорти турлари учун замонавий ва ҳаммабоп инфрату-

зилма яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизда йирик халқаро мусобақалар, Осиё Олимпия кенгаши Ассамблеяси йиғилиши ва Олимпия қўмиталари ассоциа-

циясининг йирик тадбирларини ўтказиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТИ

Давлат раҳбарига камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий хизматлар қамрови ва турларини кенгайтириш чора-тадбирлари бўйича ахборот берилди.

Мамлакатимизда эҳтиёжманд инсонлар алоҳида эътиборга олиниб, моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида бундай оилаларга бандлик, таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда қўмаклашилмоқда. Шу билан бирга, бу жуда кенг ва узлуксиз жараён бўлиб, доимий тақомиллаштиришни тақозо этади. Жумладан, камбағал оилаларни уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига қараб, уч тоифада қўллаб-қувватлаш таклиф қилинмоқда.

Кам таъминланган оилаларга 100 дан ортиқ турдаги ижтимоий хизмат, ёрдам ва имтиёзлар тақдим этилади. “Камбағал оилалар реестри”га киритиш тартиб-таомиллари қонунчилик ҳужжати даражасида белгиланади. Уларни камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режалар тасдиқланиб, манзилли хизмат ва ёрдамлар кўрсатилади. Бундай инсонлар бандлигини чекловчи омилар бартараф этилиб, муайян даромад топишига шароит яратилади.



КАДАСТР ТИЗИМИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ер ҳисобини юритиш ва кадастр хизматини ривожлантириш бўйича қилинган ишлар ҳамда келгусидаги вазифаларга оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда 45 миллион гектарга яқин ер майдони бор. 2021 йилгача шундан бор-йўғи 1 миллион гектари давлат рўйхати ҳузуридаги Ешлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди. Сенатнинг олтинчи ялпи мажлисининг биринчи кунида дастлаб “Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Буни халқаро стандартларга мос келувчи банк қонунчилигини яратиш



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2025 йилнинг 29 апрель куни Тошкент шахрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ешлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Сенатнинг олтинчи ялпи мажлисининг биринчи кунида дастлаб “Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Буни халқаро стандартларга мос келувчи банк қонунчилигини яратиш

бўйича олиб борилаётган ислохотлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ҳамда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларнинг янги таҳрирда қабул қилиниши мамлакатимиз банк тизимини ислоҳ қилишнинг янги босқичи бошланиши учун мустаҳкам пойдевор яратди.



«МОТУРИДИЙЛИК — БАҒРИКЕНГЛИК, МЎЪТАДИЛЛИК ВА МАЪРИФАТ ТАЪЛИМОТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли анжуман қатнашчилари, мухтарам меҳмонлар!

Авалло, сиз, азизларни илм-маърифат ва тараққиётга улкан ҳисса қўшган Ўзбекистон заминидан, унинг энг қадимий шаҳарларидан бири — азим Самарқандда буюк аллома Имом Абу Мансур Мотуридий таваллудининг 1155 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган халқаро конференциянинг очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод еталам.

Жонажон Ватанимизга, улуг аллома ва мутафаккирлар юрти бўлган гўзал Самарқанд шахрига хуш келибсиз! “Калом илмининг султони”, “Му-сулмонлар эътиқодини тузатувчи” деган юксак эътирофларга сазовор бўлган Имом Мотуридий ўрта асрларда — гоёвий курашлар авж олган ўта мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини кенг очиб берадиган ноёб илмий-маърифий асарлар яратгани, турли зарарли оқимлар ва жаҳолатга қарши мардона кураш олиб боргани, ҳеч шубҳасиз, чинакам маънавий жасорат намунасидир.

Буюк ватандошимиз асос солган мотуридийлик мактаби ва таълимоти эса эътиқод борасида асрлар давомида бағрикенглик, мўътадиллик ва маърифат тимсоли бўлиб келаётгани таъхисга сазовордир.

Бу ўлмас таълимот муқаддас динимизнинг эзгу гоёларини сохталаш-

тириш, улардан ғаразли мақсадларда фойдаланишга қаратилган бузғунчи ҳаракатлар янги шаклларда давом этаётган бугунги кунда янада долзарб аҳамиятга эга бўлиб бораётганини, сиз, хурматли анжуман иштирокчилари албатта яхши тушуна-сиз ва биз буни юксак қадрлаймиз.

Мухтарам дўстлар!

Янги Ўзбекистонда ислом цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган алломаларнинг ибратли ҳаёт йўли ва бой илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда Ислам цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий каби буюк алломаларимиз номлари билан аталадиган халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган қисқа вақт мобайнида ушбу илмий марказлар томонидан Қуръон карим ва бошқа муқаддас диний манбаларнинг хорижий фондларда сақланаётган ноёб қўлёзмалари топилиб, уларнинг нусхалари юртимизга олиб келинган, илм ва маърифат ривожига бекиш ҳисса қўшган улуг зотларнинг қўллаб асарлари

ўзбек тилига таржима қилингани бу соҳада олиб борилаётган ишлар қўламиндан далолат беради. Жумладан, Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” ва “Китоб ат-тавҳид” китоблари илк марта ўзбек тилига таржима қилиниб, кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилганини таъкидлаш лозим.

Биз халқаро илмий-тадқиқот муассасалари, сизлар каби мусулмон оламида катта нуфузга эга бўлган олимлар билан ҳамкорликда Имом Мотуридийнинг серқирра ҳаёт йўли ва илмий мероси, ушбу таълимотнинг бугунги кундаги аҳамиятини янада чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Шу мақсадда Имом Мотуридийнинг 1155 йиллик таваллуд санасини кенг нишонлаш ҳақида қарор қабул қилиб, бу йўналишда амалга ошириладиган ишлар, жумладан, улуг мутафаккир бобомизнинг Самарқанддаги ёдгорлик мажмуасини кенгайтириб, янада обод зиёратгоҳга айлантириш бўйича вазифаларни аниқ белгилаб олдик.

Маълумки, 2020 йилда Самарқанд шахрида ўтказилган халқаро конференция иштирокчиларининг таклифи асосида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузурида Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилган эди.

Бугунги кунда буюк аждодимиз

қолдирган бой илмий-маърифий мероснинг аҳамияти жаҳон миқёсида тобора ортиб бораётганини инобатга олиб ҳамда ушбу Марказнинг мақоми ва нуфузини янада ошириш мақсадида, яқинда имзоланган Фармонга мувофиқ Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида қайта ташкил этилганини алоҳида қайд этмоқчиман.

Ушбу марказ Имом Мотуридий ҳазратларининг ислом дини равнақида қўшган бебаҳо ҳиссаси ва мотуридийлик таълимотини чуқур тадқиқ этишда дунёнинг турли мамлакатларидаги олим ва уламо-ларни бирлаштирадиган халқаро платформа бўлиб хизмат қилади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, ўз ҳаёти-ни ана шундай эзгу ишга бағишлаб келаётган сиз, азизларга Имом Мотуридий ва Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан бошқа улуг алломаларимизнинг бой илмий-диний меросини ўрганиш йўлидаги машаққатли меҳнатингиз, изланиш ва тадқиқотларингиз учун самимий миннатдорлик билдириб, барчангизга сихат-саломатлик, келгуси фаолиятингизда янги ютуқлар, конференция ишига эса муваффақият тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙ КАФОЛАТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш, лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор этиш тартиб-таомилларини ҳамда тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини тақомиллаштириш, хусусий сектор учун белгиланган ижтимоий мажбуриятларни эркинлаштириш, интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш тартибларини соддалаштиришга қаратилган қатор қонун лойиҳалари қўриб чиқилди.

Тенг шароит ва рақобат муҳити таъминланади

Мажлисда депутатлар томонидан қўриб чиқилган дастлабки ҳужжат — лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини янада тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Бу билан тадбиркорлик субъектларининг 12 турдаги лицензия, рухсат бериш ва хабарнома олиш талаби бекор бўлиши, лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш бўйича аризаларни Давлат хизматлари марказлари орқали ҳам тақдим этиш имкониятини яратиш белгиланмоқда.

Лойиҳада бу борадаги ислохотлар акс эттирилиб, у билан амалдаги 3 та кодекс, 5 та қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этиляпти.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор этиш тартиб-таомилларини янада соддалаштиришга, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бозорда тенг шароитлар ва рақобат муҳитини таъминлашга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.



«Халқ сўзи».

